



ЎЗКИМЁСАНОАТ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

2022 йил 17-октябр

“Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖда юз берган бахтсиз ҳодиса юзасидан РАСМИЙ МАЪЛУМОТ



Жорий йилнинг 17-октябр кунини соат 11:10 ларда Фарғона вилоятида жойлашган “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖда бахтсиз ҳодиса юз берган. Унга кўра “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ ҳамда “Metall Universal 777” МЧЖ ўртасида тузилган шартномага асосан корхона ҳудудида, жумладан, қадоқлаш цехида амалга оширилаётган қурилиш монтаж ишлари жараёнида, ўғит қадоқлаш ускунаси бункери остида металл конструкция қисмларини ўрнатиш жараёнида, бункер таянчларини кесиш оқибатида бункер қулаб тушган. Натижада, “Metall Universal 777” МЧЖ ишчиси қулаб тушган бункер остида қолиб, вафот этган. Ҳозирда дастлабки экспертиза ва терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

"Ўзкимёсаноат" АЖ Маtbуот хизмати

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/indorama-kokand-fertilizers-and-chemicals-rasmiy-malumat>